
САЙЁР СУД ВА САЙЁР УЧРАШУВ

САЙЁР СУД ВА САЙЁР УЧРАШУВ

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди томонидан 2022 йил 11 январь куни Риштон тумани ИИБ биносида сайёр суд мажлисида 35 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳамда Риштон тумани ИИБ бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномалари кўриб чиқилди. Шунингдек, сайёр суд мажлисидан сўнг Фарғона вилоят, тумарлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари томонидан 2022 йилнинг январь-июнь ойларида жойларда "менинг маҳаллам-менинг судьям" ғояси асосида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, қабул қилинган суд ҳужжатларини тушунтириш мақсадида ҳар ойда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш графиги, шунингдек судьялар томонидан ОАВда чиқишлар қилиш юзасидан медиа-режа ижроси юзасидан туман ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, қабул қилинган суд ҳужжатларини тушунтириш, "Коррупцияга қарши кураршиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 34-банди ижросини таъминлаш ҳамда коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳолига тушунтириш юзасидан тузилган режа-графиги ижро юзасидан аҳоли ва давлат хизматлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш асослари ва бундай жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий асослар, коррупциянинг жамият ва давлат учун ижтимоий хавфли хусусиятлари ва оқибатлари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 ноябрдаги "Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-734-сонли, 2021 йил 7 декабрдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-735-сонли, 2021 йил 28 декабрдаги "Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-740-сонли ва 2021 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-741-сонли Қонунларининг мазмун-моҳияти юзасидан сайёр учрашув ўтказилди. Ўтказилган сайёр суд ва сайёр учрашувда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва фуқаролар жами 50 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

2022-01-12 14:05:10